



УДК: 582:581.93:502.75(575.1)

ТОШКЕНТ ШАХРИ УНБАНОФЛОРАСИДА ТАРҚАЛГАН РОАСЕАЕ BARNH.  
ОИЛАСИННИГ ТАСНИФИ

Г.Б.Темирова

ЎзМУ Экология факультети Экологик мониторинг кафедраси

1-курс таянч докторанти

Флора ва ўсимликлар қоплами ҳар бир биотанинг муҳим бўллаги сифатида алоҳида эътиборга олиниши талаб этилади. Табиатдаги экологик омилларнинг кескин ўзраши натижасида ўсимликлар экологиясининг салбий томонга ўзаришига олиб келмоқда. Сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган урбанизация жараёнида нафакат Тошкент шахрида балким юртимизнинг деярли барча худудларида ўсимликлар қопламининг сезиларли даражада ўзгариши кузатилмокда. Урбанизация ва антропоген омил натижасида Тошкент шахридаги Роасеае (**Буғдоидошлар**) оиласига мансуб бўлган ўсимликларнинг жойларда камайиб бораётгани ёки аксинча турли омиллар таъсири натижасида янги инвазив турларни кириб келаётганлиги кўриш мумкин. Мазкур оиласига тегишли бўлган бир қанча турларни аҳоли гавжум жойлар, шаҳар кўчалари, ҳиёбонлар, сайилгоҳларда учратиш мумкин, лекин уларнинг аксарият қисми, инвазив ёки ҳозирга қадар мавжуд бўлган адабиётларда Тошкент воҳасида учраши тўғрисида маълумотлар келтирилмаган. Тошкент воҳасида учрайдган турлар тўғрисида ягона адабиёт 1938 йилда И.А. Лапин томонидан келтирилган. Шундан сўнг минтақада жуда катта ўзгаришлар кузатилди, шу билан бирга худудда учрайдиган турлар тўғрисида маълумотлар келтирилмаган, бу эса мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Тошкент шахри урбанофлорасида тарқалган Роасеае оиласининг тур таркибини аниқлаш, таксономик ва инвазив турларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йиллардан шаҳарлар флораси, жумладан урбанофлорани ўрганишга бағишилаган тадқиқотларнинг кўлами тоборо ортиб бормоқда, шундай экан Тошкент шахрини урбанофлорасини ўrnаниш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирга қадар Тошкент шахри урбанофлорасини ўрганишга қаратилган аниқ мақсадли тадқиқот иши олиб борилмаган, фактгина 2013 йилда М.Усманов томонидан Урбанизация шароитида йирик саноат корхоналарининг адвентив флораси (Тошкент шахри мисолида) амалга оширилган холос. Тошкент шахри урбанофлорасидаги буғдоидошлар оиласига мансуб турлар устида олиб борилган изланиш, келгусида режалаштирилган Тошкент шахри урбанофлораси мавзусида олиб борилиши қутилаётган тадқиқот учун хизмат қилади. Шу билан бирга умуман флоранинг шаклланиши тўғрисидаги назарий фикларни бойитиш билан бир қаторда ундаги фойдали ўсимликлар ресурсларидан мунтазам ва унумли фойдаланиш имконини беради. Қисқа муддат давомида йигилган турларнинг



намуналари Ўзбекистон Миллий гербарий фондини бойитишда ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

Хозирда Тошкент шаҳрига хар хил мақсадларда турли йўллар билан олиб келинган манзарали ўсимликларнинг инвентаризация қилиш (рўйхатга олиш) ишлари амалга оширилмаган, сабаби мазкур соҳада кадрларнинг етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан бу турларни аниқлашга эҳтиёж сезилмаган. Тошкент шаҳри флораси тур таркибини аниқлашга бағишлиланган илк изланишлар Туркистон давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) фаолият олиб борган бир қатор олимларнинг ташаббуси билан бошланган. 1924 йилда бу ташаббус Тошкент шаҳри флорасининг аниқлагичи тарзида чоп этилган бўлиб, унга ўша даврнинг энг етакчи олимларидан В.П. Дробов ва М.Г. Поповлар раҳбарлик қилишган. Бу амалга оширилган илк ишнинг асосий мақсади Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон худудида ўсадиган табиий флорани янада яхшироқ билиш, мавжуд бўлган барча маълумотларни таҳлил этган ҳолда бир тизимга солиш ва бу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган олимлар, соҳага яқин бўлган бошқа мутахассислар – агрономлар, табиатшунослар, талабалар ва бошқаларнинг келгусидаги ишларига қўмаклашиш бўлган.

Тошкент шаҳри бўйича олиб борилган кейинги йирик изланиш А.Л. Тахтаджянга тегишли (1970). Буғдойдошлардан гулзорларни барпо этишда декоратив ўсимликлар сифатида ҳам фойдаланиб келинади ва якка холатда ҳам ўстирилади (*Cortaderia selloana*). Буғдойдошлар қурилиш материалларини бериш билан биргаликда қоғоз ишлаб чиқаришда хош ашё сифатида ҳам фойдаланилади (бамбук, тростник), бундан ташқари таркибида ароматик моддаларни тутганлиги учун парфюмерия тайёрлашда ҳам ишлатилади (*Andropogonea*) [3].

**Тадқиқот обекти ва предмети.** Тошкент шаҳри урбанофлорасидаги тарқалган Poaceae оиласи вакиллари. Турларнинг рўйхати, географияси, экологияси ва инвазив турлар.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари:** Тошкент шаҳри урбанофлорасидаги тарқалган Poaceae оиласи таксонимик таркибини аниқлаш, Тошкент шаҳри урбанофлорасидаги тарқалган Poaceae оиласи ареологик ва экологик таҳлил қилиш, урбанофлорада тарқалган турларга абиотик, биотик омилларнинг таъсирини ўрганиш, турларнинг экологик гурухланишига антропоген омил таъсрини таҳлил қилиш.

Тадқиқотлар натижасида, Тошкент шаҳрининг барча туманларида (тузилиш жихатдан 11 та ) Poaceae Barnhart оиласининг 42 туркумга мансуб 70 тури тарқалганлиги аниқланди. Шундан энг кўп тарқалган тур *Imperata cylindrica* тури хисобланиб, туманлар бўйича Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида мазкур оила вакилларини турли жойларида кўп учратиш мумкун. Бунинг асосий сабаби, Бектемир тумани шаҳарнинг марказий қисмидан анча йироқдалиги ва урбанизация ишлари камлиги, турли хил омиллар (абиотик, биотик, антропоген омил)нинг камлигидир. Олиб борилган тадқиқот ишлари давомида Тошкент шаҳри урбанофлорасидаги тарқалган Poaceae Barnhart оиласи билан бирга Asteraceae Bercht. & J.Presl, Lamiaceae Martinov, Brassicaceae



Juss., Boraginaceae Juss. оила туркум турлари кенг тарқалган бўлиб, асосан чорва моллари учун озуқа ҳамда қўкаламзорлаштириш учун қоплам ҳосил қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, урбанофлора бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ҳамда Poaceae Barnhart оила туркум турларининг ўрганилиш тарихи таҳлил қилинди. Тошкент шаҳри урбанофлорасидаги тарқалган Poaceae Barnhart оиласи таксонимик таркиби аниқланди. Унга кўра шаҳар урбанафлорасида мазкур оиланинг 42 туркумга мансуб 70 тури тарқалганлиги аниқланди. Тошкент шаҳри урбанофлорасидаги тарқалган Poaceae Barnhart ареологик ва экологик таҳлили амалга оширилди. Ҳудудда оила вакиллари билан бирга тарқалган бошқа оила вакиллари рўйхатини шакллантирилди. Хусусан, 97 турнинг рўйхати тузилди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лапин А.М. Определитель растений Ташкентского оазиса: практическое пособие / А.М. Лапин; ред. А.И. Введенский. – Ташкент: Государственное издательство УзССР, 1938. – Ч. 1. – 342 с.
2. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. В XI. – Ташкент “Фан”, 2016. – 351 с
3. Тахтаджян А.Л. Происхождение и расселение цветковых растений. – Л.: Наука, 1970. – 192 с.
4. Тожибаев К.Ш. Флора юго-западного Тянь-Шаня (в пределах Республики Узбекистан): Автореф. дис. ... док. биол. наук. – Ташкент, 2010. – 35 с.
5. Холова Ш. Қўкаламзорлаштириш ва фитодизайнда қўлланиладиган истиқболли ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари. Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 2019. – 46 с.

### ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР:

6. The International Plant Names Index and World Checklist of Selected Plant Families 2020. Published on the Internet at <http://www.ipni.org> and <http://apps.kew.org/wcsp/>
7. <http://floruz.uz>
8. <https://plant.depo.msu.ru>
9. [www.plantarium.ru](http://www.plantarium.ru)
10. <http://powo.science.kew.org/>